

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 13

«14» Июл 2022 йил

Беруний тумани

Бундан буён «БЮЮРТМАЧИ» деб аталувчи Беруний тумани ободонлаштириш бошқармаси номидан низом асосида фаолият олиб боровчи бошқарма бошлиғи М. КАРИМОВ бир томондан ва бундан буён «ПУДРАТЧИ» деб аталувчи «BEGZOD-FOZIL» МЧЖ номидан низом асосида фаолият олиб боровчи корхона раҳбари Ф.Сапарбаев иккинчи тарафдан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома буйича «Пудратчи» «Буюртмачи»нинг буюртмасига асосан Беруний тумани Лолазор мфй Наманган, Фазогир, Кумушенмон, Кушбулок, Тараккиёт, Эликкальа, Денов кучаларини жорий таъмирлаш ишларини бажаришни, «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни қабул қилиб олишни ҳамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

1.2. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 384.009.430 (уч юз саксон тўрт миллион туккиз минг тўрт юз уттиз) сўми ташкил этади.

2. ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БОШЛАШ, БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БУЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

2.1. Таъмирлаш ишларининг бошланиши «15» Июл 2022 йил.

2.2. Таъмирлаш ишларининг тугаши вақти «30» Сентябрь 2022 йил.

2.3. Таъмирлаш ишларини бажариш муддати мазкур шартноманинг 2.2. бандида кўрсатилган муддатгача амалга оширилади.

3. ТЎЛОВ ШАРТИ ВА ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартноманинг умумий нархи 384.009.430 (уч юз саксон тўрт миллион туккиз минг тўрт юз уттиз) сўми ташкил этади. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини бошлаш учун «Пудратчи»га шартнома нархининг 30 % ёки 115.202.829 сўм миқдорда олдиндан тўлайди ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг июл ойида амалга оширилади. «Буюртмачи» томонидан жорий тўловлар «Пудратчи» ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилгандан сўнг амалга оширилади.

3.2. «Буюртмачи» тўловни пул ўтказиш йули билан амалга оширади.

3.3. «Пудрат» ташкилоти томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ошқича бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Пудратчи:

Шартнома баҳоси 384.009.430 (уч юз саксон тўрт миллион туккиз минг тўрт юз уттиз) сўм бўлган кўрсатиладиган хизматларни юқорида келишилган муддатда тугатиш ва фойдаланишга топшириш.

4.2. Агар таъмирлаш ишлари мазкур шартномада кўрсатилган муддатда пудратчининг айби билан фойдаланишга топширилмаса, у ҳолда буюртмачига қуйидаги тартибда жарима тўлайди:

- Таъмирлаш ишларининг муддатлари кечиктириб юборилган ҳолатда пудратчи буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни таъмирлаш ишларини бажариш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ бажармаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.3. Пудратчи шартномада назарда тутилган маблағ доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофиқ таъмирлаш ишларни белгиланган муддатда сифатли ва тулиқ ҳажмда, далолатнома асосида топширади.

4.4. Буюртмачи:

Шартномада курсатилган 3.1. банди бузилса, таъмирлаш ишларининг ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи хизмат кўрсатувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

4.5. «Буюртмачи» кўрсатиладиган хизматларни ўз вақтида белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан қабул қилиб олади.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар хўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судида кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлиқ озод бўладилар.

6.2. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ходисалари (зилзила, кўчки, бўрон, курғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қўтилмаган ҳолатлар кирди.

6.3. Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАШУВ

7.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишни қафолатлайди.

7.2. Истеъмолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Таъминотчи корхонанинг манфаатларида унинг агент ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, таъминотчи корхонанинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома газначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга кирди ва 2022 йил “31” Декабрғача амал қилади.

8.2. Шартнома тарафларнинг хабарномасига кўра, қўшимча келишувсиз бекор қилиниши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«ПУДРАТЧИ»

«БУЮРТМАЧИ»

“BEGZOD-FOZIL” МЧЖ	БЕРУНИЙ ТУМАН ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ
Манзил: Беруний туман Шимом офӣ	Манзил: Беруний т. Кат кўчаси б/н
Тел./факс: 97 500 00 12	Тел./факс (61) 524-43-60
х/р: 2020 8000 1047 5754 6001	ШҒХ: 401722860352077045204110006 Ташкилотнинг СТИРи : 204710460
Банк номи: Қишлоқ қурилиш банк Беруний филиали	ИФУТ (ОКОНХ):
МФО: 00953	Беруний тумани бўйича Газначилик бўлинмаси
СТИР: 300997548	ЯҒҲ: 23402000300100001010
ОКЭД: 47110	Банк номи: Марказий банк Тошкент шах ББХКМ
	МФО: 00014
	Газначилик бўлинмасининг СТИРи: 201122919

10. Тарафларнинг имзо ва муҳрлари.



Ф. Сапарбаев

(Ф.И.Ш)



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. **Loyihaning turi:** Shartnoma. 2022-yil 14-iyuldagi 1-sonli shartnomaga xulosa
2. **Loyihaning nomi:** "Begzod-Fozil" MCHJ bilan 384 009 430 so'mlik pudrat shartnomasini tuzish to'g'risida
3. **Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:** Beruniy tumani Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 2022-yil 14-iyul

Xulosa: Loyiha O'zbekiston Respublikasining 1998-yil 29-avgustdagi "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'grisida"gi O'RQ-670-1-sonli Qonuni, O'zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi "Davlat xaridlari to'grisida"gi O'RQ-684-sonli Qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 27-sentabrdagi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to'grisida"gi PQ-3953-son Qarori va O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 14-sentyabrdagi "Shartnomaviy munosabatlarni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'grisida"gi PF-6313-sonli Farmoniga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Bosh yuriskonsult



Sh. Masharipov

2022-yil «14» iyul

Eslatma: O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 2-iyul kungi PQ-305-qarori hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 2-iyul kungi PF-164-Farmoniga asosan Qoraqalpog'iston Respublikasi hududida 2022-yil 3-iyul kuni soat 00:01 dan 2022-yil 2-avgust kuni soat 00:00 ga qadar bo'lgan davrda favqulodda holat joriy etilgan va aloqa kanallari cheklanganligi natijasida e-huquqshunos tizimi orqali elektron shaklda hujjat loyihalarini yuborish imkoni bo'lmaganligi sababli xulosa yozma shaklda berildi, ushbu buyruq tizim ishga tushishi bilanoq tizimdan qayta yuborilishi hamda elektron shaklda beriladigan tartib raqamlari va sanalari bilan qayta xulosa olinishi lozimligi eslatib o'tiladi.